

**«ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг
2015 йил 29 октябрдаги 159-сонли
баённомаси билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**БИРЖА ЛИСТИНГИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ
(янги тахрирда)**

(мазкур Низомга «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли
баённомаси билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган)

Тошкент – 2015 йил

Мазкур «ЎзРТХАБ» АЖда (кейинги ўринларда Биржа деб номланади) Биржа листингини ўтказиш тартиби «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Биржа савдоларини ўтказиш қоидалари ва биржанинг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ товарларни биржа савдоларига қўйишга руҳсат бериш, уларни биржанинг котировка (нархлаш) варағига киритиш, шунингдек, ушбу товарларни биржа котировка (нархлаш) варағидан чиқариш жараёнини ташкиллаштириш ва ўтказишга бўлган асосий талабларни белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартибда қуйидаги атама ва тушунчалардан фойдаланилган:

листинг – биржа товарларини биржанинг котировкалаш варағига қўйиш орқали уларни биржа савдоларига қўйиш учун руҳсат бериш жараёни;

делистинг – аризачи ёки биржа қарори асосида аризачи томонидан листинг қоидаларининг талаблари бажарилмаслиги оқибатида товарларни биржанинг котировкалаш варағидан чиқариш жараёни;

релистинг – биржа листингидан чиқарилганидан сўнг товарни биржа листингига такроран киритиш жараёни;

биржа товари – дастлабки кўзда кечиришни талаб қилмайдиган, сифат кўрсаткичлари ўзгармаслиги ва биржа битимлари мунтазам равишда тузилиши билан тавсифланадиган биржа савдоларига қўйилган белгиланган тур ва сифатдаги товар;

биржа котировка варағи – биржа савдоларига қўйилган биржа товарларининг рўйхати;

биржа савдоларининг иштирокчиси – ўрнатилган тартибда Биржада аккредитациядан ўтган юридик шахс ва унинг биржа Бошқаруви томонидан қўйилган талабларга мувофиқ белгиланган тест синовларидан ўтган, Биржа савдолари қоидаларига мувофиқ биржа товарларига буюртма бериш ва битимни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган вакили;

аризачи (ишлаб чиқарувчи, товар эгаси) – биржа аъзоси (сотувчи)нинг миждози, товарларни биржа котировка варағига киритиш ташаббускори бўлган шахс;

(1-банд саккизинчи хатбоииси «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомаси таҳририда)

Листинг комиссияси – товарларни биржанинг котировкалаш варағига киритиш (листинг), аввал киритилган товарларни биржанинг котировкалаш варағидан чиқариш (делистинг) жараёнларини амалга оширувчи биржанинг доимий фаолият кўрсатувчи органи.

II. Биржанинг котировкалаш варағига киритиладиган товарларга қўйиладиган талаблар

2. Биржанинг котировкалаш варағига киритиладиган товарлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

товарлар савдога улгуржи партияларда қўйилади;

товарнинг ликвидлигини баҳолаш;

ўзгармас сифат кўрсаткичларига эга бўлган, белгиланган сифат ва турдаги товар;

товарлар савдога мунтазам (мурожаатлар доимийлиги) қўйиб борилади ва сотилади;

белгиланган туркумдаги товарлар бўлмаган тақдирда, бошқа туркумли товар билан алмаштирилиши мумкин;

товарларни савдога қўйиш вақтида уларнинг дастлабки кўздан кечирилиши талаб қилинмайди.

3. Ер, ер соти бойликлари, сув, бошқа табиий ресурслар, маданий мерос ва интеллектуал мулк объектлари, ишлар ва хизматлар, шахсий белгили ашёлар, кўчмас

мулк, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаролик муомаласидан чиқарилган мол-мулк биржа товари бўлиши мумкин эмас.

III. Товарларни биржа савдоларига қўйиш жараёни

4. Товарларни биржанинг котировкалаш варағига киритиш (листинг) жараёнини биржанинг листинг комиссияси (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) амалга оширади.

5. Комиссия фаолияти биржанинг Листинг комиссияси тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

6. Листинг ўтказиш учун 1-сонли иловага мувофиқ шаклда комиссия манзилига тақдим этилган, аризачининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган ариза, шунингдек товарнинг қонун ҳужжатлари талабларига, шу жумладан биржа товарига мувофиқлигини, мувофиқлик сертификатининг мавжудлигини, агар импорт қилинган товар бўлса, унда товарнинг божхона расмийлаштирувидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ТЮД) асос бўлади.

Аризачи маҳсулотни биржанинг котировкалаш варағига киритиш ҳақидаги аризасини шахсий кабинет ёрдамида листинг комиссиясининг модули орқали тақдим этади.

(6-банд иккинчи хатбошиси «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомаси таҳририда)

Тақдим этилаётган, олинаётган ва сақланаётган электрон ҳужжатлар ва электрон хабарларнинг ишончли эканлигига, шунингдек, уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавобгарлик аризачи зиммасига юкланади, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа ҳолат назарда тутилган бўлмаса.

(6-банд учинчи хатбошиси «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомасига мувофиқ киритилган)

7. Товарлар, унинг ҳужжатлари биржа товарларига қўйилган талаблар бўйича экспертизадан ўтказилганидан ва комиссия томонидан товарларни савдога қўйиш ҳамда биржанинг котировкалаш варағига киритиш ҳақидаги қарорини қилингандан кейин листингдан ўтган ҳисобланади.

8. Товарни биржа савдосига қўйиш ҳақидаги қарор комиссия модулида онлайн овоз бериш орқали қабул қилинади, унинг натижаларига кўра электрон модулда 2-сонли иловага мувофиқ шаклдаги такрорланмас идентификация коди бериладиган намунавий биржа контрактининг спецификацияси шакллантирилади.

(8-банд «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомаси таҳририда)

9. Аризачи томонидан комиссияга тақдим этилган товарларни биржанинг котировка варағига киритиш ҳақидаги аризаси 5 иш куни давомида кўриб чиқилади.

(9-банд биринчи хатбошиси «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомаси таҳририда)

Товарни биржа савдоларига қўйиш ва уни биржа котировкалаш варағига киритиш ҳақидаги қарор қабул қилинганидан сўнг бир иш куни давомида белгиланган тартибда контракт очилади.

10-банд «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомасига мувофиқ ўз кучини йўқотган

10. Товарларни биржа савдосига қўйишга руҳсат бериш ва уни котировкалаш варағига киритиш ҳақида қарор қабул қилингандан пайтдан бошлаб икки иш куни ичида Комиссия бу ҳақда аризачини (ишлаб чиқарувчини, товар эгаси), савдо иштирокчиларини ва биржа Маклериатини электрон алоқа воситаси орқали хабардор қилади.

IV. Товарларни биржа котировкалаш варағидан чиқариш

11. Товарларни биржанинг котировкалаш варағидан чиқариш (делистинг) комиссия томонидан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

сотувчининг юридик шахс сифатида тугатилишида;

сотувчи томонидан тегишли миқдордаги товарларни доимий равишда савдога қўйиш мажбуриятига риоя қилинмаганда;

товарга уч мобайнида талаб бўлмаса ва ушбу товар бўйича битимлар тузиш доимий бўлмаса;

товарни биржанинг котировкалаш варағидан чиқариш ҳақидаги сотувчининг аризаси асосида.

12-банд «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомасига мувофиқ ўз кучини йўқотган

12. Товарни биржанинг котировкалаш варағидан чиқариш (делистинг) ёки товарни биржанинг котировкалаш варағига қайта киритиш (релистинг) ҳақидаги қарор Комиссия томонидан қабул қилинади. Қарор қабул қилинган кейин икки кун ичида Комиссия бу ҳақда аризачилар ва савдо иштирокчиларини электорон алоқа воситаси орқали хабардор қилади.

13. Биржа товари сотувчисининг аризасига биноан комиссия товарни олдинги идентификация рақами билан биржа савдосига қайтариш (релистинг) ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

14. Сотувчининг товарни биржанинг котировкалаш варағига такроран киритиш (релистинг) тўғрисидаги аризаси комиссия томонидан делистинг қўлланилган вақтдан бошлаб бир ой давомида кўриб чиқилади.

(14-банд «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомаси таҳририда)

V. Намунавий биржа контрактини шакллантириш

15. Листинг натижалари бўйича листинг комиссияси модулида битимни тузишнинг барча энг муҳим шартларини кўзда тутовчи намунавий биржа контрактининг спецификацияси шакллантирилади.

(15-банд «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомаси таҳририда)

16. Намунавий биржа контракти спецификацияси сотувчи билан келишилган ҳолда ушбу турдаги товарни сотишнинг хусусиятлари белгиловчи алоҳида шартларни ўз ичига олиши мумкин.

17. Биржа котировкалаш варағи биржа савдолари муомаласига киритилган намунавий биржа контрактлари кўринишида шакллантирилади.

18. Биржанинг котировкалаш варағига киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотлар биржа сайтида чоп этилади. Товарни янги намунавий контракт шартлари асосида реализация қилишга биржанинг корпоратив сайтида ахборот эълон қилинган пайтдан бошлаб бир иш кунидан кейин йўл қўйилади.

(18-банд «ЎзРТХБ» АЖ Бошқарувининг 2018 йил 19 ноябрдаги 313-сонли баённомаси таҳририда)

19. Мазкур Тартиб тасдиқланган кунидан бошлаб 5 иш кунидан кейин кучга киради.

«ЎзРТХАБ» АЖда
Биржа листингини ўтказиш тартибига
1-сонли илова

АРИЗА

Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг котировкалаш варағига
_____ ни

(товар номи)

киритиш ҳақида.

(«Аризачи») номидан _____,

_____ асосида ҳаракат қилувчи, _____
_____ товарни «ЎзРТХАБ» АЖ котировкалаш варағига
киритишни сўрайди.

Товар ҳақидаги маълумотлар:

1. Товарнинг тўлиқ номи _____
2. Ўлчов бирлиги _____
3. ТИФ ТК коди _____
4. Лот _____
5. Бошланғич нархи _____
6. ҚҚС _____
7. Ишлаб чиқарувчи мамлакат _____
8. Товарнинг жойлашган жойи _____
9. Товарни етказиш шартлари _____
10. Товарни етказиш муддатлари _____
11. Ҳафта давомида савдога
қўйиш доимийлиги _____
12. Ой давомида савдога
қўйишнинг ўртача миқдори
(тн./лист/кг/дона) _____
13. Гаров ва кафолатлар (%) _____
14. Қадоқ шакли _____
15. Битим валютаси _____
16. Контракт тури (ички/экспорт) _____
17. Алоҳида шартлар _____
18. Сотувчининг брокерлик
идораси рақами _____

Аризани Биржага тақдим этиш учун масъул бўлган ходим:

Ф.И.О.: _____

Алоқа телефонлари (факс): _____

Электрон почта манзили: _____

Аризачи имзоси _____ / _____ /

_____ - сонли биржа контрактининг
спецификацияси

№	Спецификация	Спецификация шартлар
1.	Биржа томонидан белгиланган контракт рақами (коди)	
2.	Товарнинг халқаро коди ТИФ ТК	
3.	Товарнинг тўлиқ номи	
4.	Ўлчов бирлиги	
5.	Битта контрактдаги лот (товарнинг ўлчов бирлигидаги миқдори)	
6.	Битим валютаси	
7.	Бошланғич нархи	
8.	Товарнинг жойлашган жойи	
9.	Контракт тури	
10.	Тўлов шакли	
11.	Ўтказиб бериш шартлари	
12.	Ўтказиб бериш муддати	
13.	Тўлов муддати	
14.	Гаров ва кафолатлар	
15.	Ишлаб чиқарувчи мамлакат	
16.	Қадоқ ҳақида маълумот	
17.	ҚҚС/ҚҚС мавжуд эмас	
18.	Алоҳида шартлар	